

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“Маънавият ва фалсафа”
кафедраси**

**“Фалсафа, маънавият ва фан методологияси”
фанларидан**

Реферат

МАВЗУ: МИЛЛИЙ ҒОЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ

УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

Тадқиқотчи: Берикбоев А.

Текширувчи: Исмоилов С.

Гулистон- 2016

Мавзу: МАЪНАВИЯТ ЎҚИТИШНИНГ

УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

Режа:

КИРИШ

- 1. Маънавиятни ўқитишда инсон омили.**
- 2. Маънавиятни ўқитишнинг усул ва воситалари**

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

Миллий истиқлол мафкураси фикрни фикрдан, ғояни ғоядан, маърифатнинг жаҳолатдан фарқини кўришга, эзгу фикр, ғоя ва амаллар билан бирга ёвуз фикр, ғоялар борлигидан ҳам огоҳ этади. Уларда ёвуз ва тажовузкор ғоянинг ҳар қандай кўринишига нисбатан ғоявий иммунитетни мустаҳкамлайди. Эзгу, бунёдкор ғоялар билан яшашга, ўз фаолиятини эркин, фаровон ҳаётга йўналтиришга ундайди.

Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистон халқининг тарихий мақсадларини англашга ёрдам берадиган, эркин ва фаровон ҳаётга эришиш йўлларини ва шарт-шароитларини кўрсатиб берадиган ана шундай эзгу мақсадлар йўлида халқимиз куч-ғайратини сафарбар этадиган кучли омилдир. Шунинг учун ҳам уни ўрганиш, билиш муҳим аҳамиятга эга.

Миллий истиқлол ғоясини ўрганиш туфайли Ўзбекистон халқининг ғояларини маданияти, тарихи, миллий ўзига хослигини, маънавий-маданий меросини, бугунги кундаги мақсадини англаш мумкин. Бу ўз фуқаролик бурчини чуқур англаб етган, ватанпарварлик туйғусини қалбида мудом асраб юрган, миллий мустақиллигимизни ривожлантиришга астойдил бел боғлаган ҳар бир фуқаронинг тарихий бурчидир.

Маънавиятнинг жамият ҳаёти ва ривожигаги ўрни ҳамда аҳамияти маънавият учун асос бўлиши билан белгиланади. Маънавият ва миллий мафкура эса халқни миллий ғурур, ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаб, ижтимоий тараққиётнинг қудратли ва таъсирчан омилига айланди. Маънавият ва миллий мафкура туфайли ижтимоий-тарихий амалиёт аниқ мақсадли, миллий ҳамда умуминсоний кадриятларни ривожлантириш ва уларни ҳаётда қарор топдириш йўналишини олдаи. Маънавият фақат миллий ва умуминсоний кадриятларнинг узвий бирлигини ифода этгандагина ижтимоий тараққиётнинг қудратли омилига айланиши мумкин. Маънавиятнинг миллий тараққиёт моделини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришдаги ўрни ва мақоми худди шу нарса билан боғлиқ.

Мақсадимиз маънавиятнинг ҳам миллий мустақиллик мафкураси билан, ҳам миллий мафкура билан чамбарчас бирлигини, улар ўртасидаги муносабатларни, шунингдек, миллий ўзликни англаш, сиёсат ва умуман маънавият билан ҳар томонлама ижтимоий тараққиёт ва ҳозирга давр жаҳон цивилизациясига қўшилиш йўлида ривожланаётган Ўзбекистон Республикасининг бутун ижтимоий-тарихий амалиёти билан узвий боғлиқлигини кўрсатиш, маънавиятнинг ва унинг негизида камол топадиган миллий мафкурани кенг халқ оммаси онги ва ҳаракатига янада чуқурроқ сингдириш учун айрим тавсиялар баён қилишдан иборат.

Биз шунинг учун ҳам ғоянинг асосларига, яъни инсон, жамоа, жамиятнинг эҳтиёжлари ва манфаатларига бу қадар эътибор билан қарамоқдамизки, биринчидан, унинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни ва роли, омма онгига таъсири, самарадорлиги, жами куч-қудрати бирон бир восита билан ўлчаниши лозим, яъни кишиларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларини ўзлаштириш, такомиллаштириш ва ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш хусусияти билан баҳоланмоғи керак. Ғояда мужассам мақсадлар борликни

Ўзгартиради, ривож топади ва такомиллаштиради, унинг ўзи ҳам ўзгаради ва ривож топади ва жамиятнинг ҳар томонлама тараққиётини амалга оширади.

Иккинчидан, ижтимоий субъектнинг эҳтиёжлари, ғоялари ўртасидаги алоқадорликда муҳим жиҳатлардан бири бу ижтимоий субъект айрим якка шахсдан бошлаб халқ, жамият, жами инсоният ҳамжамиятига қадар ғоя ўзи учун орзу бўлган воқелик, тафаккур тарзи, фаолият-амалиёт мақсадларини уюштирувчи ибтидо тарзида эҳтиёж сезади, унга эътибор беради.

Учинчидан, шу эҳтиёжлар, манфаатлар, умидларга жавоб берадиган, уларни мақсадлар шаклида ва уларга элтадиган янада умумий шакл-воситалар ва омиллар шаклида ифодалайдиган ғоялар шаклида ифодалайдиган ғоялар чиндан ҳам ижтимоий субъектнинг қудрат манбаига айланади.

Тўртинчидан, ғоя инсон, турли ижтимоий бирликларнинг борлиғи тимсоли, уларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларининг мақсадлардаги ифодаси тарзида ҳам гавдаланади, ривожланаётган инсон моҳиятининг ўзига энг мос келадиган ижтимоий ва якка шахс мавжудлиги, турли шароитлардаги эҳтиёжлари ифодаси сифатиданамоён бўлади: одатлари, идеаллари ифодаси ва айни пайтда унинг асоси тарзида уларнинг ўзлигини англаш ифодаси, ижтимоий тараққиётнинг объектив ва субъектив омиллари тарзида намоён бўлади.

Бешинчидан, инсон, жамоа, жамият, жами инсоният учун аҳамиятли бўлган ғоялар вертикал бўйича ўтмишдан ҳозирги ва келажак сари ҳамда горизонтал бўйича инсон, миллат, элат минтақадан бошқа кишилар, миллатлар, элатлар, минтақалар, жами инсоният сари ворисийлик қонуни асосида ривожланади. Маънавият миллатни бирлаштирувчилик вазифасини бажаради. Шу боис у миллат манфаатларига, бошқа халқларга хавф туғдирадиганга реакцион, шовинистик маънавиятга қарши туради ва шу билан миллат, халқ, жамиятнинг бирлашишига хизмат қилади. Маънавият нафақат ижтимоий онг ҳодисаси сифатида, балки жамиятимизнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маданий соҳаларини ислоҳ қилувчи амалиёт сифатида, жамиятимизнинг жаҳон цивилизацияси тизимида фаолият ва тараққиёт амалиёти тарзида ҳам мавжуддир. Яъни маънавиятнинг шаклланиши, бир томондан ижтимоий тараққиётнинг натижаси ва маҳсулидир, иккинчи томондан эса унинг муҳим омилларида биридир.

Эндиликда мамлакатимиз ривожланиш йўлига ўтиб олди, халқимизнинг тафаккурида жиддий ижобий ўзгаришлар содир бўлди, бундай шароитда мафкуравий иммунитетни кучайтириш ва уни ҳаётий эҳтиёж даражасига кўтариш объектив заруриятга айланди. Бизнингча, миллий истиқлол мафкурасининг концепциясини яратихда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

1.Маънавиятни ўқитишда инсон омили.

Ғоявий таъсир воситаси матбуот ёки оммавий ахборот воситалари кенг ва тор маънода ишлатилади. Кенг маънода барча босма маҳсулотлар мажмуаси. Тор маънода даврий нашрлар, хусусан газета ва журналларни ифодалайди.

Демократик ислоҳатларни, маънавиятни ҳаётга тадбиқ этишда, янгича онг, янгича тафаккур, янгича дунёқарашни шакллантиришни, оммани ғоявий қуроллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Оммавий ахборот воситалари ҳозир советлар замонидагидан тубдан фарқ қилади. Советлар даврида у миллий замондан узилган, ягона коммунистик мафкура қуроли эди.

Мустақиллик ўзбек матбуотини, оммавий ахборот воситаларини ўз миллий заминига қайтарди, оёққа турғазди, ўзбек давлатчилигининг асл ифодачисига, ғоявий ҳимоячига айлантди, унга ҳуқуқий пойдевор яратди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, қонунга кенг амал қилиши, цензурадан холилиги белгилаб (67-модда) қўйилди.

1996 йил 2 августда Олий мажлис томонидан “Ноширлик фаолияти тўғрисида”, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”, 1997 йил 24 апрелда “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”, “Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”, 1997 йил 26 декабрда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар ноширчилик фаолиятининг, ихтирочилик ва бадиий ижод муаллифларининг Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларининг демократик, инсонпарвар, бозор иқтисодиётига асосланган жамиятга хос ҳуқуқий таянчларини белгилаб берди.

Омманинг эркин фикрлашига, ҳар кимнинг ўз мустақил фикрини ошқора баён қилишига, ниҳоят янгича тафаккур, янгича дунёқарашга эга бўлишга имконият яратди. Вақтли матбуот турлари ва сонлари кўпайди. Мустақил газета ва журналлар вужудга келди. 1990 йилда 345 та вақтли нашр чоп этилган бўлса, 1998 йилда уларнинг сони 670 тага етди.

Нашр этилаётган 495 газетанинг 377 таси давлат ташкилотларига, 74 таси жамоат ташкилотларига, 50 тага яқини тижорат, реклама ва диний нашрлардан иборат. Мамлакатда айни дамда 115 тадан ортиқ журнал нашр этилади. Барча вилоят, қатор шаҳар, туманларда давлат, айрим ҳудудларда хусусий телевидение ва радио воситалари фаолият кўрсатиб келади. Иккита ахборот агентлиги бор. Уларнинг ягона мақсади – мустақилликни мустаҳкамлашга, эркинлик ва ислоҳатларни амалга оширишга, янгича тафаккур ва замонавий дунёқарашни шакллантиришга хизмат қилади. Мавжуд оммавий ахборот воситалари шу мақсадда бирлашади. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда барпо этилаётган ўзига хос демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий жамият оммавий ахборот воситалари фаолиятининг кўламини, мақсад ва вазифаларини белгилаб беради.

Иккинчидан, оммавий ахборот воситалари миллий мустақилликнинг Ватан, халқ, миллат тақдиридаги ўрни ва аҳамиятини, ўтмиш режалари ва халқимизнинг бунёдкорлик фаолияти мисолида ёшларни ғоявий тарбиялайди, уларда Ватанга муҳаббат, мустақилликка муҳаббат туйғуларини авж олдиради.

Учинчидан, оммавий ахборот воситалари демократик ислохатлар аҳамиятини, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини одамлар, ёшлар онгига етказди. Инсон ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда давлат ва жамият ўртасида воситачилик вазифасини бажаради.

Тўртинчидан, ахборот воситалари ижтимоий фикрни шакллантирувчи омиллардан бири. У жамоатчиликни ҳокимиятни бошқаришда қатнашишга жалб этади, қонунлар, қарорлар қабул қилишда қатнашишга даъват қилади, шу тариқа уларни сиёсий, ғоявий руҳда тарбиялайди.

Бешинчидан, матбуотда ислом маданияти, назарияси, тарихи ва қонуниятлари кенг тарғиб этилади. Бизда дин жамиятдан эмас, балки давлатдан ажратилган.

Олтинчидан, Ўзбекистон ахборот воситалари жаҳон ахборот агентликларидан ажралиб қолган, йирик компьютер тизими “Интернет” билан алоқа ўрнатилган.

Еттинчидан, мустақил Ўзбекистонда ахборотларнинг мафкурасидан мутлақо холилиги назарда тутилади, жамиятнинг холисона, ҳаққоний, хилма-хил ахборотларга бўлган эҳтиёжи қондирилади.

Саккизинчидан, мамлакат аҳолисини, чет эл жамоатчилигини Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўзгаришлардан хабардор қилиш ва ҳаказолар.

Ёшларга ғоявий таъсир кўрсатишда адабиёт ва санъатнинг ўрни бекиёсдир. Адабиёт арабча – адаб сўзининг кўплиги. У биринчидан, фан ва адабиётнинг бирор соҳасидаги ютуқларини умумлаштирувчи асарлар мажмуаси. Иккинчидан санъатнинг ўзига хос бир тури. Ёки у бадиий адабиёт ҳам деб аталади. Адабиёт воқеликни сўз ёрдамида образлар орқали инъикос эттиради.

Адабиётнинг оғзаки, ёзма шакли мавжуд. Адабиёт сўз орқали инсоннинг хис-туйғуларини кенг ва чуқур хис эттириш имкониятига эга, шу боис у санъатнинг энг оммавий тури.

Ҳар бир адабиёт миллийдир, ҳар бир халқ миллий маданиятнинг таркибий қисмидир. Халқнинг тарихий ҳаётидаги, руҳиятидаги хусусиятлар адабиётнинг миллийлиги мазмунини ташкил этади. Миллий мазмун адабиётнинг миллий шаклида намоён бўлади.

Халқ ҳаётидаги янги давр адабиётни янги, юқорироқ босқичга кўтаради. Унинг мазмунини ҳам, шаклини ҳам янгилайди. Янгиланган адабиёт янги жамият, янги ғоявий омил, шу жамиятнинг мустаҳкамланишини тезлаштирувчи қудратли қурол вазифасини ўтайди.

Адабиётнинг тасвир объекти ижтимоий воқелик. Унинг бош тасвир объекти эса инсондир. Адабиётда инсоннинг ижтимоий моҳияти умумлаштирилган ҳолда ифода этилади. Шунинг учун ҳам адабиётнинг

мақсади маълум бир ижтимоий сиёсий кучнинг моҳиятини тўла ифодалаш, бадий образ яратишдир. Бундай мақсадга бадий адабиёт истиқлол даврида эришди. Бу даврдаги ижодкор одам ва олам ҳақида авалгилардан чуқурроқ, фарқлироқ фикрлаш мумкинлигини англаб фаолият кўрсатишмоқда. Ҳозир адабиётда тасвирланаётган инсон ўзининг башарият, Ватан, миллат, эл-юрт олдидаги мажбуриятларини юксакларга кўтариш ниятида қалам тебратишади. Истиқлол адабиёти мавзу нуқта назаридан ҳам, бадий тасвир тамоиллари жиҳатидан ҳам илгариги қолипларга сиғмайдиган, табиий тарзда ривожланаётган, ахлоқий, ғоявий аҳамиятли янги эстетик ҳодисадир. У одамларга йўл кўрсатишни зиммасига олмайди, ўқувчига ақл ўргатмайди, ҳаётий устозликни даъво қилмайди, балки тасвирнинг нозиклиги, ифодаларнинг фавқулоддалиги, образларнинг кутилмаганлиги билан ўқувчига ғоявий, бадий тарбиявий муносабат тухфа этади. Бу адабиётнинг жозибаси ҳодисада эмас, балки моҳиятда жилваланади. Истиқлол даври адабиёти ранг-баранг адабиётдир. Бу адабиёт, бадий асарлар, янги ғоялар беради, мустақилликни қандай мустаҳкамлаш йўллари кўрсатади, қаҳрамонлик ва жасоратларни кўз-кўз қилади. Адабиёт кишиларни ҳамфикр қилиб, бошларини қовуштирувчи омиллардан бири.

Санъат – ижтимоий онг ва инсон фаолиятининг ўзига хос шакли. У одамларнинг эстетик талабларини қондиради, уларни ақлий, ҳиссий, ғоявий тарбиялаш воситаси. Санъат ижтимоий онгнинг бошқа шаклларида ўзининг предмети, мазмуни, воқеликни ифода этиш усуллари ва услуби, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ҳамда вазифалари жиҳатидан фарқ қилади.

Санъат инсон учун эстетик завқ-шавқ манбаи. Инсон ҳаётига гўзаллик бахш этади, одамларда воқеликка нисбатан ҳиссий муносабатларни шакллантиради. Ҳаётни кузатиш, ўрганиш ва билиш воситаси. Санъат ҳаётни инсон орзу қилган томонга ўзгартиришда ёрдам беради. У тарбия воситаси. Одамларни гўзалликдан илҳомланишга, хунукликдан нафратланишга ўргатади. Одамларда бадий – эстетик дидни тарбиялайди. Санъатнинг тарбиявий кучи – унда ифода этилган кечинма ва образнинг тингловчи қалбига кириб бориши, уларда завқий ҳиссиётлар уйғотишдир.

Санъатнинг тасвирий санъат, меъморчилик, рассомлик, ҳайкалтарошлик, мусиқа, театр, кино, цирк, бадий адабиёт, хореография ва бошқа турлари мавжуд. Улар тасвир воситалари, предмети ва ифода имкониятлари жиҳатидан фарқ қилади. Мисол учун адабиётда ифода воситаси тил, тасвирий санъатда бўёқдир.

Санъат кўчма манода ҳам ишлатилади. Унда фаолиятнинг барча соҳаларидаги юксак маҳорат кўзда тутилади.

Нашриёт, ноширлик ҳам ғоявий таъсирнинг воситаларидан бири. Унга китоблар, газета, журналлар, тасвирий санъат асарлари ва бошқа босма маҳсулотларни тайёрлаш, нашр қилиш ва уни тарқатишлар киради.

Нашриётлар чиқараётган маҳсулотларнинг турига қараб – китоб нашриёти, китоб – журнал нашриёти, газета – журнал нашриёти ва бошқалар... илмий адабиёт, оммавий адабиёт, болалар адабиёти нашриётлари бўлади.

Ўзбекистон мустақилликга эришганидан сўнг ноширликларда кескин ўзгаришлар бўлди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” қонуни (1996 йил 30 август) ҳуқуқий асос бўлди. Қонунга асосан ноширлик йўналишини, мавзуларини, ихтисослашувини, чиқариладиган маҳсулот нусхасини белгилашда, муаллифни танлашда мустақил иш кўрадиган бўлишди. Юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтганидан ва лицензия олганидан кейин Ноширлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Нашрга тайёрланган қўлёзмалар ва материалларни цензурадан ўтказиш бекор қилинди. Матбаа маҳсулотларини шартнома асосида тарқатиш жорий қилинди. Нашриётлар бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, харидоргир китоблар нашр этишга ҳаракат қила бошладилар.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан ўзбек тилида китоблар салмоғи ошди.

Амир Темур мавзуи, буюк мутаффаккирлар, диний, миллий қадриятлар билан боғлиқ ўнлаб китоблар чиқарилди. Болалар адабиёти, илмий адабиётлар нашрига, истиқлол, миллий тафаккур ғоялари сингдирилган, шарқона одоб-ахлоқ, биродарлик, миллий ғурурни кўтаришга ундайдиган адабиётларга, мактаб дарсликлари нашрига алоҳида эътибор берилди. Президент Ислон Каримов асарлари чоп этилди. Буларнинг ҳаммасида халқимизнинг, миллатнинг, Ўзбекистон фуқароси ўғил-қизларининг ғоявий тарбияси ҳисобга олингандир.

Меҳнат аҳлининг ғоявий тарбиясида тасвирий ташвиқот, яъни тасвирий санъат, шу жумладан, ранг тасвир, ҳайкалтарошлик, бир сўз билан айтганда нафис санъат ҳам муҳим аҳамиятга эга. Санъатнинг бу турида воқеликни унинг осонгина илғаб олинадиган фазовий шаклларда, кўрғазмали образларда акс эттирилади. Тасвирий санъат фақат кўриш мумкин бўлган нарсаларни тасвирлаб қолмай, балки асарларида ҳодисаларнинг вақтинчалик ривожини, унинг у ёки бу қисми (фабула), эркин ҳикоянавислик, динамик ҳаракатларни ҳам акс эттириб, дунёни ғоявий ўзгартириш имкониятларини кенгайтиради.

Ўзбекистон тасвирий санъати, унинг тарғиботи жаҳон ҳамжамиятида юз бераётган жараёнлар билан ҳамнафас, ҳар бир ижодкор ўз қараш ва кечинмаларини янгича услуб ва шаклларда ифода этишга интилиши билан характерланади.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ташаббуслари билан Тошкентда Ўзбекистон тасвирий санъат галерияси 2004 йил август ойида очилди. Бу тасвирий ташвиқотнинг ғоявий таъсирини янада кучайтирди.

Ғоявий таъсир кўрсатишнинг йўналишлари, шакллари ва услублари бор. Бунда энг аввало вақт омилига эътибор бериш муҳим. Вақт эса иш вақти ва бўш вақтдан иборат. Инсон иш вақтида моддий ноз-неъматлар ишлаб чиқаради. Одамлар билан муносабатда бўлади. Бир-бирига ғоявий, тарбиявий таъсир кўрсатади. Бўш вақти, у турмуш деб аталади. Бўш вақтда ҳар бир киши маданий дам олади, хордиқ чиқаради.

Ғоявий таъсир йўналишлари эса маънавий, жумладан, ақлий, ахлоқий, меҳнат, эстетик, жисмоний, сиёсий, ҳуқуқий кўринишларда намоён бўлади. Соғлом ғоявий таъсири соғлом маънавий-ахлоқий муҳитда содир бўлади, кутилган самараларни беради. Мустақиллик ўзбек халқининг ҳурматини жойига қўйди.

Меҳнат аҳли, хусусан талаба-ёшлар сиёсий онгини ўстириш, ҳуқуқий маданиятини ошириш уларни ғоявий тарбиясининг кўламини ниҳоятда кенгайтиради. Партия, жамоат ишларида фаол қатнашиш, ҳокимиятни, фуқаролик жамиятини бошқаришда бевосита ёки билвосита иштирок этиш, конун устиворлигини англаш ва унга қатъий амал қилиш уларни ғоявий чиниқтиради. Чиниққанга эса чанг юкмайди.

2. Маънавиятни ўқитишнинг усул ва воситалари

Ғоявий таъсир кўрсатишнинг шакл ва услублари бор. Шакллари индивидуал, яъни яккама-якка, жамоавий ҳамда оммавийликдан иборат. Услублари эса тушунтириш, ишонтиришдан иборат.

Халқ оммаси, хусусан талаба-ёшлар бунёдкор ғоялар эзгуликка, тараққиётга хизмат қилишини, вайронкор ғоялар эса жамият, халқ, миллат ва давлатларнинг таназзулига сабаб бўлишини яхши билишади. Улар ғоявий якка хокимликка интилиш, демократик кадриятларни тан олмаслик, жамиятда ижтимоий сиёсий беқарорликни ёқлаш, ижтимоий зиддиятларни қувватлаш, фикрлар хилма-хиллигини рад этиш, мутлоқ ҳақиқатни даъво қилиш, ягона мафкурага интилишларнинг салбий оқибатларига олиб келишларини англайди.

Оммани, хусусан талаба ёшларда бу икки ғоя ўртасидаги терсликни англашга билимлар, мафкуравий иммунитет, кадриятлар тизими, аниқ мақсадларга интилиш, ниҳоят илмий-фалсафий дунёқараш, илм-фан, техника, технологияни эгаллаш, замонавий тафаккур билан қуролланиш қўл келади.

Ғоявий таъсир самарадорлигини ўлчаш, аниқлаш мезонлари қуйидагилардан иборат.

- 1) аҳолининг сиёсий билимдонлиги;
- 2) жамиятнинг маънавий соғлом, одамларнинг руҳан тетик ва бардамлиги.
- 3) Ватанпарварлик кўламининг кенглиги.
- 4) Аҳолида саводхонликдан, билим савиясини ошишидан, оммавий ахборот воситаларига... қизиқишларнинг ошиши;
- 5) жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг камайиши;
- 6) гиёҳвандликнинг камайиши;
- 7) оила мустаҳкамлиги;
- 8) фуқароларнинг қонунга амал қилиши;
- 9) жамият миқёсида соғлом маънавий ва ижтимоий муҳитнинг шаклланиши.

Ғоявий таъсир аудиториянинг катта-кичиклигини эътиборга олиш ҳам муҳим аҳамиятли.

- 1) катта аудитория – 100-200 киши;
- 2) ўртача аудитория – 15дан-100 гача киши;
- 3) кичик аудитория – 15 тагача тингловчи.

Аудиториядаги тингловчилар савияси ҳам ғоявий таъсир кўрсатишда ўзига хос аҳамиятга эга. Уни психологлар асосан қуйидаги турларга ажратишни тавсия этадилар.

- 1) пассив ўзлаштирувчи аудитория;
- 2) фаол, ижтимоий жиҳатдан баркамол аудитория;
- 3) эътиқоди суст аудитория;
- 4) муҳим уй аудиторияси.

(Ёшини, касб-корини ҳисобга олишлар)

Ғоявий тарбия таъсири самарадорлигини баҳолаш мезонлари ҳам мавжуд.

1) 15 кишилик бўлган аудиториядаги ёшлар ёки талаба ўқувчиларнинг дунёқарашини бевосита суҳбатлар, ёзма ишлар ва уларнинг ишга, воқеа-ҳодисага бўлган муносабатлари орқали аниқланади.

2) 15-100 кишилик аудиторияларда ғоявий тарбия таъсири самарасини бир мартада аниқлаш мушкул. Бунда жуда кўп омиллар қатнашади. Жумладан, баҳс юритиш, фикр алмашилиш, суриштириш бундай аудиторияларда унча қийинчиликлар туғдирмайди... Шунинг учун Ватан тақдири билан алоқадор мавзудаги учрашувлар, маърузалар торроқ доирада олиб борилгани маъкул.

Ижтимоий фикрни ўрганиш. Бу маънавий-мафкуравий тадбирларнинг кенг халқ оммаси ва ёшлар онгига нечоғлик чуқур сингиб бораётганини ўрганишнинг ишончли йўллари билан бирдир. Ижтимоий фикр-гуруҳ ёки жамият томонидан яқдил тарзда изҳор қилинадиган умумий нуқтаи назардир. Ижтимоий фикр кўпинча психология ҳамда социология фанлари томонидан ўтказилади. Ҳозир уни барча фаол шахслар ўрганишларини тақозо этади.

Ўзбекистонда ижтимоий фикрнинг асосий ўлчови бу маҳалладир. Маҳалла аҳли ҳар бир оилада рўй бераётган ҳодисаларни билади, инсонлар тақдирига бефарқ қарай олмайди.

1. Сўров усуллари – анкета ёки интервью.
2. Ўқув масканларида “Ишонч почта”лари.
3. Ҳужжатлар, ёзма манбалар ва хатлар.

Талаба ёшлар учун уларни қуршаб турган кишиларнинг ўзи, биринчиданэнг олий кадрият, иккинчидан ғоявий таъсир омилдир. Дарҳақиқат, ҳеч ким, ҳеч қачон жамиятдан айро, замондошлари фаолиятидан четда тўлақонли ҳаёт кечири олмайди. Одам одам билан деган хикматнинг маъноси шу.

Бу ўринда “одам”, “инсон”, “шахс” тушунчалари маъносига эътибор ҳам ниҳоятда муҳим.

“Шахс” тушунчаси кўпроқ ижтимоийликни англатади.

“Одам”, тушунчаси биологик ва ижтимоий жиҳатларни ўзида намоён қиладиган тирик жонзодга нисбатан ишлатилади.

“Инсон”, тушунчаси ижтимоий ахлоқий сифатларни жамлаган одамларга нисбатан бериб айтилади.

Одамларнинг онг, билим, ғоя, эътиқод, маънавияти, ахлоқ, хулқи бошқа жонзотлардан фарқлантириб туради. Булардан ташқари “одам”, “инсон”, “шахс” тушунчаларига одамийлик, руҳий гўзаллик, орзу-умид ва бахт-саодатга интилиш, масъулият туйғуси, мақсад ва эҳтирос, ақлий камолот, виждон, ор-номус, муҳаббат, оилавий вафо, ўтмиш ва келажак олдида қарздорлик ҳисси ва бошқалар.

Инсон кенг халқ оммасидан ажралмас, унинг бир бўлагидир. Миллий мафкура унинг умумий манфаатларини ифодалайди. Ғоявий таъсир

кўрсатишда инсон омили шу мавжуд манфаатларни чуқур англаш ҳамда амалга ошириш жараёнида намоён бўлади. Ундай манфаатлар биринчидан, мустақил республикамиз ҳудудий яхлитлиги ва даҳлсизлигини, мамлакатларимизнинг фазо ва вақтдаги ўрнининг бутунлигини таъминлашдан иборат.

Иккинчидан, юртнинг тинчлиги ва осойишталиги (ҳарбий, иқтисодий, экологик, информатсион, ғоявий таҳдидлардан) муҳофаза қилиш.

Учинчидан, мамлакатда миллатлараро, фуқаролараро тотувлик, ҳамжиҳатликни барқарор қилишга ҳисса қўшиш.

Тўртинчидан, ҳар бир оила ва бутун халқнинг фаровонлигидан манфаатдорлик туйғусини тарбиялайди.

Бешинчидан, жамиятда адолат устиворлиги, демократия, ўз-ўзини бошқариш, яъни инсон ҳаётининг ҳуқуқий кафолатланганлигига иқрор бўлиши.

Ер юзасидаги моддий ва маънавий бойликларнинг ижодкори инсон. Унинг бунёдкорликлари Хоразмий, Фаробий, Фирдавсий, Беруний, Ибн Сино, Носир Ҳусрав, Умар Хайём, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Ҳофиз Шерозий, Бедил, Улуғбек, Алишер Навоий асарларида улуғланган. Бунга “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Фарҳод образи мисолдир. Фарҳодда ҳар томонлама баркамол инсонга хос сифатлар мужассам. У етук мусаввир, моҳир уста, чуқур билимдон, довюрак жангчи инсондир. Илм-фан ва маданиятнинг унга бегона бўлган бирор соҳаси топилмайди.

Алишер Навоий Фарҳоднинг меҳнат ва ижодда эришган муваффақиятларининг омили унинг илми, ақли ва иродасида деб ҳисоблайди.

Деди: ҳар ишни қилмиш одамзод,

Тафаккур бирла билмиш одамзод.

Навоий инсоннинг қадр-қиммати унинг мол-мулки, зеб-зийнати, мансаби, ижтимоий элга қанчалик наф тегиши билан белгиланади, дейди.

Ғоявий таъсир кўрсатишнинг бевосита услубияти бир талай. Улар маъруза, савол-жавоб, юзма-юз суҳбат, учрашув ва бошқалар.

Маъруза ғоявий тарбиянинг оғзаки шаклларида бири. Унда энг муҳим жиҳат илмий савиянинг юқори, мазмунан чуқур бўлишида. Бирок маърузанинг таъсири, ғоявий самараси, тингловчи хотирасида узок сақланиши, из қолдириши фан ўқитувчисининг билими даражасига, нутқ маданиятининг юксаклигига боғлиқдир. Маъруза материаллари маълум бўлса, нутқ маданияти унинг шаклидир. Маърузада мазмун ва шакл мутаносиблиги унинг ғоявий таъсирчанлигини оширади.

Нутқ сўзлаш, хусусан маъруза ўқиш – шарафли мураккаб ва масъулиятли иш. Маъруза муайян мавзуда бўлади, мақсади аниқ, талабаларга маъқул, қалбига ҳузур бағишлайдиган, бой маънавий озиқ, ғоявий ишонч берадиган, ақлини пешлайдиган, дунёқарашини бойитадиган бўлиши лозим.

Нутқ тафаккур қилишда, фикр юритишда, мулоқотда тилдан, сўздан фойдаланиш жараёни, жамият вужудга келтирган ўзаро фикр алмашилиш воситасининг ҳар бир киши (индивид)га хос шаклий кўринишидир.

Нутқ маданияти якка шахслар нутқи орқали намоён бўладиган ижтимоий ҳодисадир.

Марказий Осиёда, хусусан, ҳозирги Ўзбекистонда ғоявий таъсир кудратига эга бўлган нотиклик санъати ўз-ўзидан вужудга келмаган. Унинг чуқур тарихий илдизлари, ғоявий манбалари бор Қадимда воизлик санъатига катта эътибор берилган. Воиз сўзи арабча ваъз айтувчи, маъруза ўқувчи, нутқ сўзловчи маъносини англатган.

Воизлик санъати ўтмишда тингловчиларнинг, ... хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда учга ажратилган, уч хил номланган:

- 1) Юқори табақа аъёнлари учун мўлжалланганни – султоният;
- 2) Жангоҳлар иштирокчилари учун мўлжалланганни – жиҳодия;
- 3) Оддий фуқаролар учун мўлжаллангани – ғарибона.

Булардан ҳар бирининг ёзилиши, ўқилиши, ... ваъз этиш шартлари, усули, оҳанги бир хил бўлмаган.

Ўрта аср воизлик санъатида ҳар бир сўз, тушунча, оҳангнинг таъсирчанлигига эришиш, муайян бир фикр, мулоҳаза, ҳукм, ғоя, мафкура ва хулосани ўз тингловчиларига етказиш мақсадида суҳандонлик (риторика) фани ўқитилган. Ҳозир ҳам мадрасаларда бу фан ўқитилмоқда. Воизлик санъатида жарангдорлик, фармонбардорлик, сиёсий қудрат, бадий сайқал топган.

Шарқ нотиклик санъатида:

- 1) Билимнинг кенглиги;
- 2) Сиёсий онгнинг теранлиги;
- 3) Нутқнинг таъсир кучи ҳисобга олинган;
- 4) Ҳақиқат олдида мурасасизлик (ростгўйлик).

Шеърят мулкининг султони Алишер Навоий фикрларича: одам аъзоларининг ширини ҳам, аччиғи ҳам тил, ундан чиқадиган сўздир. Инсон бошқа мавжудодлардан фақат ижтимоий фойдали меҳнати, ақл-фаросати ва сўзи (тили) билан фарқланади. Булар инсонга она табиат берган, ота жамият бахш этган энг бебаҳо мукофот, ҳадя, фазилатдир. Булардан инсонларча фойдаланиш чин инсонга хос эмас, инсон ҳар қандай бало-баттарларга ёшлиги туфайли дучор бўлади. “Оғиз югуриши – ошга, тил югуриши – бошга” деб бежиз айтилмаган. Сўз жароҳати тан жароҳатига қараганда оғирроқдир.

Ширинсуҳанлик, хуш муомала – инсон кўркининг мезони. Педагог, тарғиботчиларнинг бундай фазилатлари ғоявий тарбияда ғоят аҳамиятлидир.

Тингловчи, шу жумладан, талаба ёшларга ғоявий таъсир кўрсатишнинг билвосита усул-воситалари ҳам бор. Улар оммавий ахборот воситалари, биринчи навбатда телевидение, радио, газета ва журналлар, китоб ва рисолалар киради.

Асосий воситалар вербал, новербал, аудио, визуал, табиий таълимнинг техника воситалари: компьютер техникаси; ахборот технологиялари; ўқув қуроллари; асбоблар; моделлар; станоклар; материаллар; жиҳозлар ва бошқалар.

Вербал мулоқот шакллари ҳар хил бўлиб, уларнинг асосийлари нутқ сўзлаш, маъруза, суҳбатлашиш, савол жавоб, саволга жавоб бериш, баҳс, мунозара, музокара, хабар бериш, кенгаш, маслаҳат, насиҳат, танбех, табрик, саломлашиш, хайрлашиш кабиларни ўз ичига олади. Давра суҳбати.

Новербал воситалар имо-ишора, қўл, гавда ҳаракатлари орқали бирор маъно-мазмунни ифодалаш ёки таъкидлашдан иборат. Инсоннинг ҳар бир ҳаракати маълум маънога эга.

Визуаль (кўргазмали) воситалар педагогик технология жараёнида ўқувчилар кўз билан кўришлари учун мўлжалланган барча воситаларни ўз ичига олади. Буларга синф доскасидаги ёзув ва бошқа тасвирлар, тарқатма материаллар, китоблардаги ёзув ва тасвирлар, тарқатма материаллар, ўқув плакатлари, фотосурратлар, тасвирий санъат асарлари, видео, кино тасвир, жониворлар, тарихий топилдиқлар, табиат объектлари, турли буюмлар ва бошқалар кирди.

Аудио воситалар эшитиш орқали ахборотни ўрганиш ўзлаштириш имкониятини берувчи магнитофон тасмаси, турли дисклар, бундан ташқари мусиқа асбобларининг овози ва бошқа овоз бўлиши мумкин.

Ауди визуал воситалар, яъни бир вақтнинг ўзида эшитиш ва кўришга хизмат қилувчи воситалар: кино ва бошқа овозли видео тасвирлардан иборат.

Кўриш орқали хотирда сақловчилар – матн, схема, диаграмма, жадвалларни яхши эслаб қоладилар, хотираларида яхши сақлайдилар, уни қайта тиклайдилар.

Эшитиш орқали хотирда қолдирувчилар – матнни, унинг мазмунини кимнингдир овози орқали хотираларида сақлаб қоладилар.

Ҳаракатлантирувчи куч орқали хотирида олиб қолувчилар ёзиб-чизиб, тасвирлаб ёки қайта такрорлаш орқали хотирларида сақлайдилар.

Табиий воситалар педагогик технология жараёнида ўрганиш кўзда тутилган мазмунга тегишли барча табиий нарсалар кирди. Булар одам ва жониворлар, ўсимликлар ва табиат, асбоб-ускуналар, буюм, машина механизмлар, иншоотлар ва ...

Педагогик технологияда олдиндан белгиланган мақсадга эришиш кафолати бор. Педагогиканинг аниқ фанга айланиб бораётган буни исботлайди. Натижада стихияли эмас, балки онгли, илмий асосланган бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикасида давлат таълим стандартларининг яратилиши ва амалиётга жорий қилиниши педагогик технологияларни кенг қўллаш учун муҳим асос бўлди.

Педагогик технология бир қанча асосларга эга. Булардан энг аҳамиятлилари ижтимоий, фалсафий, методологик, диалектик, педагогик, психологик, физиологик, гигиеник, мафкуравий, ҳуқуқий-меъёрий, иқтисодий, тарихий, назарий, амалий ва бошқа асослар ҳисобланади.

... ижтимоий асоси ҳар бир шахс, жамият ва давлатнинг таълим-тарбия соҳасидаги эҳтиёжларидан келиб чиқади ва шу эҳтиёжларни қондиришнинг мақсад ва талабларини, ташкилий шакллари ва усулларини белгилайди. У

шахсининг, жамиятнинг ва давлатнинг ривожланишида асосий омиллардан саналади.

Мафкуравий асоси маъмуни ва мафкураси тамоилларини ўзида мужассам этиши ва уларни амалга оширишга йўналтирилган бўлишидан иборат. Бунда баркамол инсонни шакллантиришда мафкуравий тарбиянинг фидойи, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан бошқаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли, ижтимоий фаол инсонни вояга етказишдан иборат асосий вазифаларни амалга ошириб бориш ҳар бир педагогик технология учун долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ҳуқуқий – меъёрий асос таълим – тарбия жараёнини ташкил қилиш ва амалга оширишга доир қонуний ва меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади. Булар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “таълим тўғрисида”ги қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг таҳлим-тарбия соҳасига тегишли фармонлари, вазирлар маҳкамасининг қарорлари, Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлигининг қарор ва буйруқлари, низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади.

Физиологик асоси – турли ёшдагилар физиологик хусусиятлари.

Гигиеник асоси – саломатликни тарғиб этиши.

Психологик асоси – шу фаннинг илмий хулосалари ҳисобга олиниши.

Методологик асоси – уни амалга оширишда қандай методлардан фойдаланилганлиги.

Фалсафий асоси - ...

Ғоявий таъсир кўрсатишда макро ва микро ни ҳисобга олиб иш кўриш хайрлидир.

Макро босқичдаги ёки кенг маънодаги ижтимоий – маънавий, сиёсий ҳамда иқтисодий муҳит таъсири.

Микробосқичдаги, яъни бевосита инсон боласи туғилиб ўсган оила таълим-тарбия масканлари, меҳнат ва жамоаси, маҳалла ва дўстлар муҳаббатидаги таъсирлар.

Бу қонуниятларни фан йўли билан ўрганиб, олдиндан уни башорат қилиш ўта мураккаб жараён дир. Чунки, ғоя ва мафкура соҳаси ишонч ва эътиқод, дунёқараш, манфаатлар тизими билан боғлиқ. Шунга кўра, фақат унинг ўзгарувчанлигини олдиндан айтиш мумкин, холос. Уни халқнинг ўзлигига бўлган муносабати, ўзлигини англаш даражаси, миллий-маданий меросига, кадриятларига бўлган муносабатда ҳар бир авлодга нима бераётгани ва нимани мерос қилиб қол-дира олиши билан боғлиқ қонуният мужассамлашган. Шунинг учун ҳам маънавиятни фан си-фатида ўрганишни унчалик тўғри эмас деб ҳисоблайдиганлар фикрига кўшилиш қийин. Масалан, инсон онги ва тафаккурида ғоявий бўшлиқ вужудга келиши билан унинг дунёқарашида мустақил фикрдан кўра мутелик, қарамлик ғоялари устувор бўла бошлайди. Демак, уни кўпроқ ўрганишга бўлган эҳтиёж заруриятини англаш туйғусини далилловчи омиллар, уни узлуксиз, доимий, тадри-жий равишда ҳамма вақт, алоҳида эътибор берадиган, қолаверса, ҳар бир халқ ёки миллатнинг, мамлакат ёхуд давлатнинг эртанги истиқболи, дунё

хамжамиятида ўзига хос ўринга эга бўлиши, ўзлигини сақлаб қолишга бўлган эҳтиёжнинг ҳаётий фалсафасидир.

Маънавиятда ўзлигини сақлаб қолиш мақсади дунёдан ажралиб яшашни, фақат ўз қоби-ғига ўралиб қолишини билдирмайди. Аксинча, дунё билан ҳамнафас бўлишга ундайди. Фақат мил-лий маънавий қадриятларига, меросига таянган ҳолда унга ҳурмат билан қарашга, ўз миллий маънавий негизларига таяниб, ундан узилмасликни ўргатади. Чунки ундан бегоналашиш, миллий ўзлигидан узоклаштиради, тарихидан, қадриятларидан айри ҳолда ривожланишга сабаб бўлади. Бу миллий тараққиёт қонуниятига ва манфаатлар уйғунлигига ҳам мос келмайди.

XXI асрни ахборот асри, ахборот технологиялари асри деб аташ тобора расм бўлмоқда. Чунки асримизда кенг қамровда ва жадал суръатларда тарқалаётган информациялар инсоннинг ис-такларини, дидини ўзгартиришга, фикрига таъсир қилиши мумкин. Тан олиш керак, томоша қили-наётган сериаллардан тортиб болакайларга айтиб бериладиган эртақкача, боринги, ўқиётган ки-тобларимиз ҳам қандайдир мафкуравий таъсир самарасига эга - уларда муайян ғоялар тарғиб қи-линади. Бу ҳолат «энг асосий нарсани кўз билан илғаб бўлмайди» деган фикрни яна бир карра тасдиқлайди. Бундай кўзга кўринмас қудратли тарғибот кучлари кишини ҳамма ерда ва ҳар куни қуршаб туради. Бу кучларнинг мақсади - инсонни нимагадир ишонтириш, нимагадир ундаш, ни-магадир оғдириш. Тадбиркор маҳсулотини реклама қилиб, уни сотиб олишга ундайди. Диний ар-боблар ўз динига эътиқод қилишга чақиради. Халқаро майдонда баъзи давлатлар ўзининг «катта оға» эканини уқтиришга ҳаракат қилади. Лекин танганинг орқа томони ҳам бўлади-ку. Агар ўша молини мақтаётган тадбиркор тамаки сотаётган бўлса-чи? Унинг зарари ҳақида одамларни ким огоҳлантиради? Агар ўша диндор, дин четда қолиб, давлат тузумини ағдаришга чақираётган бўл-са-чи? Бундай бузғунчиликлардан халқни ким қайтаради? Ёки жаҳонда «катта оға»ларнинг қўли-дан тутиб эмас, мустақил одим ташлаш кераклигини ким тушунтиради? Бу каби тарғиботни ёки аксил-тарғиботни ким ташкил қилиши керак?

Бугунги кунда ривожланган давлатлар қудратли тарғибот тизимига эга бўлишга интилаёт-ганини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, ўз фаолиятининг тарғиботига АҚШ ҳукумати йилига 2,5 миллиард доллар сарфлаши бежиз бўлмаса керак. Франция ҳам ўз сиёсатини аҳолига тушунти-риш ишларига йилига 100 миллион франкни бекорга сарфламаётгандир? Бу маълумотлар тарғибот нафақат динда, бизнесда муҳимлигини, балки сиёсатда ҳам, маънавий-маърифий ишларда ҳам му-ҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. Демак, ривожланган демократик давлатлар ҳам мафкуравий фаолиятдан сира воз кечмаган.

Пухта ишлаб чиқилган стратегик йўналиш давлатнинг истиқболини белгилайди. Ўзбекис-тоннинг стратегик мақсадлари Ислом Каримовнинг қатор асарларида, жумладан, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» ҳамда «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» асарларида белгилаб берилган. Шу

мақсадлар сари инсонларни сафарбар қилиш уларни ғоялар шаклида сингдириш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг тақдири, сўзсиз, ҳар бир фуқаро, аниқроғи, инсоннинг фаоллигига боғлиқдир. Бу эса ислоҳотларнинг моҳиятини халққа тушун-тиришни талаб қилади. Шунинг учун ривожланган мамлакатларда мафкуранинг тарғиботи «хуку-мат сиёсатининг ташвиқоти» кўринишида амалга оширилади. Давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги ҳам Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсатини махсус тарғиб қилишни талаб этади. Бундай тарғибот ислоҳотларни «мафкуравий асосда таъминлаш»га хизмат қилади.

Ўзбекистон ҳаётидаги ўзгаришлар инсонлар онгида ҳам катта ўзгаришлар қилишни талаб этади. Ўтиш даврини бошидан кечириётган ҳар қандай давлат янги замон кишисини тарбиялаш ҳақида жиддий қайғуриши, табиий. Демак, Ўзбекистонда ҳам «комил инсон» ғоясида эътироф этилган шахс мос сифатларини фуқароларда қарор топтириш вазифаси кўндаланг турибди. «Фуқаролик ахлоқи»ни бундай тарбиялаш мафкуравий сиёсатнинг негизини ташкил этади.

ХУЛОСА

Мустақиллик асосларини шакллантиришда ва мустақкамлашда муҳим вазифалардан бири, ана шу бой маънавий меросни чуқур манбавий ва замонавий илмий принциплар асосида, шу жумладан ҳозирги замон фалсафа тарихи нуқтаи-назаридан ўрганиш, тадқиқ этиш ва тарихий, илмий ҳолис баҳолашдан иборатир. Ўтмиш маънавий меросимизни холисона ўрганиш, тарғиб этиш, Ўзбек халқининг асл миллий-маънавий қадриятлари, тарихий ўзлигини, Ўзбекона руҳ ва менталитетини қайтадан тиклаш, замонавий мазмун бериш орқали мустақиллик мафкурасини шакллантириш учун асос бўлади.

Мустақил республикамиз янги тарихий босқичга, XXI асрга қадам қўйди. Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги бош ва асосий мақсади – бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий, демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуришдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси аввало, шахсий фаоллик, билимдонлик, Ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик каби олижаноб фазилатлар соҳиби бўлиши лозимки, бу жараёнда халқимиз маънавий ва маърифий мероси, қадриятларидан унумли ва самарали фойдаланишни тақозо этади.

Истиқлол, давлатнинг мустақиллигини қўлга киритиши тақдирнинг эҳсони эмас. У халқимизнинг ўн йилликлар давомида кўнглидаги орзу-армони, фидойий аждодларимизнинг қони ва жони эвазига келган буюк саодатдир. Агар биз истиқлолга масъул бўлсак, уни қадрласак, унинг айрим кткинчи машаққатларига сабр этсак–келажак бизникидир.

Маънавият бу мустақилликни мустақкамлаш ва уни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш омили. Шунинг учун ҳам у инсон онгини бошқаришни эмас, аксинча уни бунёдкор ғояларига йўнал-тиришга хизмат қиладиган олий қадрият ҳамдир. Маънавият ана шу энг олий қадрият – инсон, халқ, миллат, мамлакат шаъни, кадр-қимматини, ўзлигини ҳурмат қилишига таянган ҳолда турли цивилизациялар ривожига талабларига жавоб беради. Маънавиятни ўрганиш кишида миллий ғурурни уйғотади ва доимо ўзлигини билиб яшашга ундайди. Шунинг учун ҳам маънавият бошқа ижтимоий фалсафий фанлардан фарқли ўлароқ Ватан, миллатнинг дарди, орзу-умидларини, мақсадларини, шаънини баланд тутиб, уни доимо қалбида сақлаган ҳолда ўзлигини бойитиб боришда тараққиёт омили бўлиб хизмат қилади. Бу жараён озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш каби маънавиятнинг бош мақсади билан муштаракликда намоён бўлишининг сабаби ҳам шунда. У демократик ривожланиш, фуқаролик жамияти қурилишига йўналтирилган, фуқаро-ларни миллатидан, дини ва эътиқодидан қатъий назар, сафарбар этувчилик билан боғлиқ маъна-вий-руҳий куч-қудрат манбаидир. Халқнинг, миллатнинг, ҳар бир фуқаронинг нафақат ўтмиш, бугунги кун ва келажак билан боғланган. Миллий истиқлол ғоясини ишонч ва эътиқодга ай-лантириш бир кишининг иши эмас. У ҳар бир миллат фидойиси, мутафаккирининг вазифасидир. Зеро, халқнинг, миллатнинг жипслашиб, ўзаро ҳамкор, ҳамжихат бўлиб, озод ва обод Ватанда эр-кин ҳамда фаровон ҳаётда яшашининг кафолатидир. Миллий истиқлол ғояси - бу мавҳум мақсад-лар эмас. У аниқ бўлиб, ҳар бир

кишининг кундалик ҳаёт тарзи, дунёқараши, онг ва тафаккури, ишонч ва эътиқоди, унинг фаолияти орқали ижтимоий ҳаёт ўзгаришларига таъсир кўрсатади. Бу соҳадаги ҳар бир ютуқ инсоннинг ўзига, оила аъзолари, маҳалласи, эл-юрти, халқи ва миллатининг, Ватани, мамлакатининг равнақига, тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

«Барчамизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлган фарзандларимизнинг хурсандчилигини, керак бўлса, очик қиёфаси, бахтиёр чехрасини кўриш, эртанги кунга ишончини ўзимизга тасаввур қилиш - шунинг ўзи катта бахт эмасми?»¹ деб таъкидлайди Президентимиз И.А.Каримов. Дарҳақиқат миллий истиқлол ғоясига амал қилган, уни ишонч ва эътиқодига онгли равишда ай-лантирган одам - жуда катта маънавий-руҳий куч-қувват манбаига эга бўлади. Бу уни янги ютуқ-ларга, эзгу мақсадларга ундайди. Ҳаётнинг, яшашнинг маъно-мазмунини инсонлар билан бирга бўлишда, уларга савоб ишларни қилиш, эзгулик йўлида мамлакат равнақи учун илм олишга, касб-хунар эгаллашга ундайди. Инсон ҳаётида сув ва ҳаво қанчалик зарур, нон қанчалик азиз бўлса, маънавият ҳам шундай. Усиз, инсон ўзлигини, истиқболини аниқ тасаввур эта олмайди. Маънавият шунга ўргатади. Бу эса ҳар бир инсоннинг ўзига хос маънавий дунёси орқали амалга ошади. Бундай муштараклик маънавий куч қудрат манбаи бўлиб тараққиётга хизмат қилади.

Замон, давр ва авлодлар ўзгаради, лекин маънавиятга заруратнинг қолиши муқаррар. Маънавият бойиб, ривожланиб бориши табиий. Дунёдаги ўзгаришлар маънавият олдида ҳам янги-янги вазифаларни, усул ва воситалардан фойдаланишни талаб қилади. Уни ҳисобга олиш, "мафкура майдонида" эзгу ва бунёдкор ғояларнинг доимо устуворлик қилиб қолишини, маърифий тараққиётнинг истиқболини белгилайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон халқи маънавиятга алоҳи-да эътибор бериб, уни жамият мафкураси сифатида ўрганиши ана шу эзгу мақсадлар билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам ўзининг самарасини бермоқда.

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. - Т.: Ўзбекистон, 2005, 153-154-бетлар.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. “XXI-аср бўсағасида хавфсизликка таҳтид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Тошкент., Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI-асрга интилоқда”. Тошкент., Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» Т-9. Т.: «Янги авлоди», 2001.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т-6. Т.: Ўзбекистон, 1997.
5. Каримов И.А. Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтара олмайди. «Халқ сўзи» газетаси 17 май 2005.
6. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. Т. «Ўзбекистон». 2005.
7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т-8. -Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. “Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллар” Олий таълим муассасалари учун ўқув қўлланма. Тошкент, “Янги аср авлоди” нашриёти. 2001.
9. “Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллар”. “Янги аср авлоди” Тошкент., 2001 йил.
10. Абдурахимова Н., Эргашев Ф.Р. Туркистонда чор мустамлака тизими. Т.: «Академия», 2002.
11. Абу Наср Фаробий. «Фозил одамлар шаҳри». – Т «Адабиёт», 1993.
12. Алимова Д. Инсоният тарихи - ғоя ва мафкуралар тарихидир. Т.: «Янги аср авлоди», 2001.
13. Амир Темур жаҳон тарихида. ЮНЕСКО. Париж, 1996.
14. Анвар Чориев “Инсон фалсафаси” 2-китоб “Мутақил шахс” Тошкент., “Камалак”, 1995 йил.
15. Бобоев Ғ. Ғофуров З. Миллий истиқлол мафкураси ва тараққиёт. Т.: «Янги аср авлоди», 2001.
16. Бобоев Х. (хаммуаллифликда) Миллий истиқлол мафкураси ва ижтимоий тараққиёт. Тошкент., 2001.
17. Қўчқор Хоназаров “Янги тараққиёт палласи”, “Тафаккур” журнали. 2003 йил. 4-сон.